

ФОРСИ-ЙЕ ДАРИЙ ТИЛИГА ОИД ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДАГИ ГРАММАТИК ҚАЙДЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Уктамова Хилолахон

Ўқитувчи, PhD, Тошкент давлат шарқшунослик университети

[https://doi.org/ 10.5281/zenodo.7089829](https://doi.org/10.5281/zenodo.7089829)

Аннотация: Форси-йе дарий тили грамматик асарлари шаклланишига шубу тилга оид изоҳли луғатлардаги грамматик қайдлар асос бўлиб хизмат қилган. Шу жиҳатдан луғатлардаги грамматикага оид фикрларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уларни қиёсан таҳлил қилиш тилишунослик соҳасига қизиқ фактларни тадқиқм этади.

Калим сўзлар: изоҳли луғат, грамматика, фонетика, морфология, сўз, фонема.

COMPARATIVE ANALYSIS OF GRAMMATICAL NOTES IN PERSIAN-YE DARI ANNOTATED DICTIONARIES

Abstract: Grammatical notes in explanatory dictionaries of this language served as the basis for the formation of Persian-ye Dari language grammatical works. In this respect, it is important to study grammar points in dictionaries. Especially, their comparative analysis presents interesting facts to the field of linguistics.

Keywords: explanatory dictionary, grammar, phonetics, morphology, word, phoneme.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ГРАММАТИЧЕСКИХ ПРИМЕЧАНИЙ В АННОТИРОВАННЫХ СЛОВАРЯХ ПЕРСИДСКО-ЙЕ ДАРИ

Аннотация: Грамматические записи в толковых словарях этого языка послужили основой для формирования грамматических произведений языка персидско-йе дари. В связи с этим важно изучать грамматические моменты в словарях. Особенно их сравнительный анализ представляет интересные факты для области языкознания.

Ключевые слова: толковый словарь, грамматика, фонетика, морфология, слово, фонема.

КИРИШ

Ўрта асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр худудларида лингвистик тафаккур ривожланиши изоҳли луғатларни тузиш ишларида доирасида рўй берди. Лексикография ўрта аср форсизабон ёзма маданиятида муҳим соҳа ҳисобланиб, форси-йе дарий луғатчилик тарихи ўн асрдан кўпроқ вақт мобайнида давом этиб келмоқда. Гарчи бизгача етиб келган форсча изоҳли луғатлар XI асрга оид бўлса ҳам, лексикографик тадқиқотлар анча аввал бошлангани ҳақида маълумотлар мавжуд. Луғатларда тарихий лексикология ва диалектологик луғатлар, мумтоз адабиёт тарихи ва матншунослиги, этнография, тарихий география, маданият тарихи, грамматика ва ҳатто фонетика ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу луғатлар форс тилида فرهنگ номи билан аталган. Ўша вақтларда грамматика атамаси мавжуд бўлмаган, луғатлар она тилини билиш учун ягона манба бўлиб хизмат қилган. Грамматикага оид қарашлар дастлаб луғатларда берилган бошлаган. Муаллифлар луғат тузиш билан бирга тилнинг ўзига хос жиҳатларига изоҳ бера бошлаганлари сабабли кейинчалик луғатлар соф грамматик асарларнинг вужудга келишига асосий омил бўлиб хизмат қилган. Лекин, шуни ҳам айтиш керак-ки, биз бу билан барча луғатларда грамматик қайдлар мавжуд демоқчи эмасмиз. Шу сабабли мақолада фақат ўзида грамматика оид маълумотлар келтирилаган луғатлар таҳлилга тортилган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Форси-йе дарий тили грамматикасининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган “فرهنگ جهانگیری” (“Жаҳонгир луғати”), “فرهنگ رشیدی”, “Рашидий луғати”, “برهان قاطع”, “Қатъий

далил”, “بهار عجم”, “Эрон баҳори”, “غياث اللغت”, “Ғиёс луғати” ва “تحفه الأحاب” “Севимли инсонга хадя” луғатлари форсийзабон халқларнинг мўтабар манбаси ҳисобланади. Эроншунос олимлар томонидан бу китоблар илк грамматик асарлар сифатида жуда қадрланади ва уларнинг муаллифлари илк форс тили грамматикаси ривожига ҳисса қўшган олимлар сифатида эътироф этилади. Мазкур луғатларнинг турли жиҳатлари рус олимлари В. Капранов, Х. Раупов, Л. Пейсиков, С. Баевский, Ю. Рубинчик, покистонлик олим С. Ҳ. Садриддин Ҳож (Камол), тожик олимлари Ф. Ғиёсова, Ф. Мирзоёров, А. Мамадназаров ва Х. Назари, шунингдек ўзбек олимлари А. Қуронбеков, А. Аҳадов, Х. Алимова ва камина томонидан ўрганилган. Айниқса, тожик олими Ф. Мирзоёров ўзининг номзодлик диссертациясида луғатларда берилган грамматик қайдларни алоҳида параграфларга ажратиб қиёсий таҳлил қилган. Шу сабабли бу ишни такрорлашни ортикча вақт сарфлаш деб ҳисоблаб, биз мазкур мақолада юқорида номи зикр этилган олимлар луғатларнинг қайси жиҳатларини ўрганини ёритамиз. Уларнинг фикрлари кесишган нуқталарни кўрсатиб, низоли масалаларга ўз ёндашувимизни билдирамыз.

С. Бевский 1981 йилда нашр эттирган “Средневековая персидская лексикография” номли мақоласида дастлаб юқорида номи зикр этилган луғатларининг айрим грамматик қайдаларининг тавсифини ёритган эди. Кейинчалик у барча илмий изланишларини умумлаштириб чоп этган “Ранняя персидская лексикография (XI–XV вв.)” китобида мазкур луғатларнинг тузилиши, унда келтирилган сўз ясалишига оид фикрларни тадқиқи натижалари ва тавсифий характердаги маълумотларни баён қилган. Л.С. Пейсиков “Лексикология современного персидского языка” китобида умумий ва қисқача маълумот келтирган. Бу маълумотларнинг баъзилари Х. Рауповнинг “Анализ словаря “Фарханг-е Джахангири” китобидан олгани қайд этилган. Унда бу тилнинг фонетикаси, грамматикаси ва сўзлар этимологияси масалалари бирмунча тўлароқ ёритилгани, бундан ташқари орфоэпия ва орфография ҳақида ҳам назарий фикрлар билдирилгани, шу сабабли ҳам Ҳусайн Инжу форс тили норматив грамматикасининг асосчиси ҳисобланаши, бу китобда 7000 дан зиёд сўз йиғилгани, муаллиф луғат тузиш учун ўттиз йил умрини сарфлагани ва қирқдан ортик лексикографик манбадан фойдалангани ёзилган. Шунингдек, Л.С. Пейсиков “فرهنگ جهانگیری” луғати муаллифи Ҳусайн Инжунини форс тили норматив грамматикасини асосчиси деб атади ва айнан шу фикрига Х. Рауповнинг ишига ҳавола келтиради. Ю. Рубинчик “Лексикография персидского языка” китобида Х. Рауповнинг 1966 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясидан ҳамда Л. Пейсиковнинг китобидан фойдалангани ёзилган. Бу китобда ҳам Л. Пейсиковнинг китобида келтирилган маълумотлар берилган.

Сайд Жаводий (Камол)нинг 1992 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ҳам луғатлар муаллифи, ёзилган жойи ва вақти ҳақида умумий маълумот берилган. Бошқа олимлардан фарқли равишда энг кўп луғатлар келтирилган тадқиқот иши ҳисобланади.

А. Мамадназаров эса илмий ишида Х. Раупов, В. Капранов ҳамда С. Баевскийларнинг ишларига асосланган.

Ф. Мирзоёров луғатлардаги грамматик изоҳларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларни беради: 1) Дастлабки изоҳли луғатларнинг кўпида грамматик ва лексик маълумотлар мавжуд. Масалан, Фарҳанги Жаҳонгири, Фарҳанги Рашидий, Бурхоний коте, Баҳори Аъзам, Гияс ал-лугот, Тухфат ал-аҳбоб турли тил муаммоларини тушунтириб беради; 2) изоҳли луғатлар тожик адабий тилининг шаклланиши, тожик тил фикрининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутди. Буни XVI–XIX асрларга оид

баъзи изоҳли луғатларнинг лексик ва грамматик рисоалари мисолида кўриш мумкин; 3) “فرهنگ جهانی”, “فرهنگ رشیدی”, “برهان قاطع”, “بهار عجم”, “تحفه الاحباب”, “غیاث اللغت” каби ўша даврнинг машҳур изоҳли луғатларининг лексик-грамматик трактатларидан ҳозирги тожик тилининг грамматикасини яратиш манбалари сифатида фойдаланиш мумкин; 4) XVI–XIX асрларда Ҳиндистонда тузилган изоҳли луғатларнинг кириш қисмда сўз шаклланишининг асосий масалалари, иборалар тузилиши, шунингдек, Эронда ҳам, Тожикистонда ҳам замонавий изоҳли луғатларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилган стилистик муаммолар кўрсатилган; 5) товуш ва ундош ундошлар сони, шунингдек, форс-тожик алифбосидаги ҳарфлар сони билан боғлиқ муаммо тушунтириш луғатларининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. 6) “فرهنگ رشیدی”, “فرهنگ جهانی”, “برهان قاطع”, “بهار عجم” каби луғатлардаги баъзи маълумотлардан ташқари, кўпгина грамматик изоҳлар ўрта асрлар тилшунос олимларнинг баёнотларига асосланган.

Хусрав Назари ўзининг тадқиқот ишида 10га яқин луғатларни қисман ўрганиб, улар ичида “فرهنگ جهانی” ва “برهان قاطع” луғатлари грамматикага эталон сифатида танлаб олиб, уларда берилган сўз ясашига оид, грамматика ва синтактик масалаларига оид қарашларни атрофлича таҳлилга тортган. Айнан шу икки луғатда грамматик изоҳлар билан бирга терминлар ҳам берилган. Келтирган таҳлили натижасида у “فرهنگ جهانی” луғатини эмас,

балки “برهان قاطع” луғатини форси-йе дарий тили норматив грамматикаси сифатида эътироф этади.

Ўзбек дарийшунос олимаси Х. Алимованинг “Дарий тилида сўз ясаши” номли монографиясида ушбу луғатда берилган сўз ясашига оид фикрлар тадқиқ этилган. Олиманинг ёзишича, “فرهنگ جهانی” луғати муаллифининг қўшма сўз ясашидаги араб алифбоси билан боғлиқ имло қоидалари ҳозирги вақтда форс, дарий ва тожик тиллари сўз ясашидаги айрим ясалма бирликлар ҳақидаги хулосаларга аниқлик киритади. Шунингдек, сўз ясовчи таркибий қисмларда битта товуш икки марта такрорланса, баъзан талаффузда бирининг қисқариши ёки бошқа ҳолатлар кўрсатилади. “بهار عجم” луғатида маҳсулдор сўз ясовчи феъл негизлари берилган. Отдан ясалган баъзи феъллар ҳам шу бўлимга киритилган. “غیاث اللغت” асари (қарийб 18 минг сўзга шарҳ ва изоҳ берилган) асарида \hat{a} оморфемаси яхши ўрганилган. \hat{a} ҳарфининг морфологик функцияларига оид қайдлар жамланганда, \hat{a} от ясовчи, сифат ясовчи, мурожаат шакли ясовчи, кучайтирувчи, интерфикс, дуо каби сўз ясовчи, шакл ясовчи ва боғловчи вазифалари мисоллар билан изоҳланган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Олимларнинг олиб борган тадқиқот ишларидан шу нарса маълум бўлдики, ўрта асрларда яшаган мазкур луғатлар муаллифлари ўз асарларининг мукамал бўлишини истаб, сўзларнинг фақат изоҳини келтирибгина қолмай, унинг маълум бир грамматик хусусиятларга ҳам эга эканлиги ўқувчига тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Бизнинг фикримизча, ҳар бир луғат ўзи яратилган давр дурдонаси ҳисобланади. Ва табиийки, замонлар ўтгани сайин маълумотлар омбори кўпайиб боргани сари асарларда бериладиган мулоҳазалар ҳам кенгайиб бораверади. Шу сабабдан рус олимлари форси-йе дарий тилининг илк норматив грамматикаси деб таърифланган “فرهنگ جهانی” луғатидан кўра ундан сўнг яратилган “فرهنگ رشیدی”, “برهان قاطع” луғатлари грамматика жиҳатидан мукамалроқ бўлиши табиий. “فرهنگ رشیدی” муаллифи “فرهنگ جهانی” луғатини ўрганиб чиқиб, ўз асарида бу луғатда йўл қўйилган баъзи камчиликларни эътироф этган:

چنين گوید معترف بعجز و قصور و معترف از مشرب اهل هوش و ارباب شعور، عبدالرشیدین الغفور الحسینی المدنی التتوی، که چون فرهنگ جهانگیری و سوروری مطالعه افتاد، جامعترین فرهنگها دید. اما مشتمل بودند بر امری چند، که احتراز و اجتناب از آن لازم و محتتم گردید.

“Камчилик ва кусурларни тан олиш ақл-идрок соҳибларининг ақлдан озишидир деб айтишадик, Абдулрашидидин Абдулғафур ал-Хусайни ал-Маданий ат-Татавий “فرهنگ” ва “فرهنگ سوروری” (“Сурурий луғати”) мутолаасига киришганида, энг мукамал фарҳанглар эканлигини билди: аммо қилиниши зарур бўлган ишлардан тийилгани қайд этилган”.

Шунингдек, қуйидаги камчиликларни келтириб ўтади:

1. Бу икки фарҳанг муаллифлари сўзларни изоҳлашда кўп сўзларни ишлатган.
2. Баъзи сўзларда тилни тўғрилаш, эъроб қоидасини тушунтириш ва услубни таҳрир қилиш лозим.
3. Форсча сўзлар орасида арабча ва туркийча сўзлар берилган.
4. Баъзи сўзлар хато ўқилган ва бир қанча сўзлар кўп жойда такрорланган.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, рус олимларининг мазкур луғатга берган таърифлари мутлақо тўғри. Х. Назарининг фикрига эса биз қўшилмаймиз.

ХУЛОСА

Форси-йе дарий тили грамматикасининг тарихий манбалари деганда, асосан луғатлар тушунилади. Бироқ, луғатлардан олдин грамматика асосан фалсафа ва мантиқ фанлари ичида ёритилган. Ва олимлар ҳам фалсафа ва мантиқ илмига бағишланган асарлари таркибида грамматикага оид мулоҳазаларини баён қилишган. Форси-йе дарий тили грамматикасига бағишланган асарлар XIX аср ўрталарига келиб яратила бошланди. Унга қадар форси-йе дарий тили изоҳли луғатларида мазкур тилга тааллуқли грамматик қоидалар, изоҳлар бериб келитган. “فرهنگ جهانگیری” луғати форси-йе дарий тилининг илк норматив грамматикаси сифатида эътироф этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Toshkent, 2009.
2. Алимова Х. Дарий тилида сўз ясалиши. Монография. – Тошкент, 2019.
3. Ахадов А. “Ғиёс-ул-луғат” Муҳаммад Ғиёсиддин ва мақоми он дар фарҳангшиносии тоҷики-форси. – Самарқанд, 2012.
4. Баевский С. Средневековая персидская лексикография.// История лингвистических учений. – Ленинград: Наука, 1981.
5. Баевский С.И. Ранняя персидская лексикография (XI–XV вв.). – М. – Наука, 1989.
6. Ғиёсова Ф.Н. усули ташреҳи шакли воҳидҳои лексика дар фарҳангномаҳои қарни XVIII. – Хучанд, 2005.
7. Капранов В. К истории таджикской лексико и лексикографии. – Душанбе, 1956.
8. Мамадназаров А. Становление и развитие таджикской переводной лексикографии XX и начала XXI вв. Дисс... кан... фил... наук. – Душанбе, 2013.
9. Мирзоёров Ф. Грамматические комментарии в таджикских толковых словарях XVI–XIX вв. Дисс. кан. наук фил. – Душанбе, 2011.
10. Назари Х. Формирование и особенности составления грамматики персидско-дари языка в Афганистане. Дисс. кан. фил.наук. – Душанбе, 2018.

11. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М., 1975.
12. Раупов Х. “Фарханги Джахонгири” как источник таджикско-персидской лексикографии. – Автореф. кан. наук фил. – Душанбе, 1966.
13. Рубинчик Ю.А. Лексикография персидского языка. – М. – Наука, 1991.
14. Ёктамова Х. Словарь как грамматический источник языка фарси-е дари. //Актуальные вопросы науки //Материалы XL Международной научно-практической конференции. – Москва, 2018.
15. سيد حسن صدرالدين حاج سيد جوادى. آغاز و ارتقاء دستور نويسى فارسى در شبه قاره پاكستان و هند. – لاهور، ۱۹۹۲.